



Interdisciplinary Conference of Young Scholars in Social Sciences

САНОАТ КОРХОНАЛАРИ ВА НЕФТ КИМЁ САНОАТИ ҚУРИЛМАЛАРИДА ЭНЕРГИЯ ТЕЖАШ ҲОЛАТИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШ

Фарходов Суннатжон Умар ўғли, Долиев Шоҳаббос Қулмурот ўғли

Acc. ТКТИ Шахрисабз филиали

Аннотация: Уибу илмий мақолада саноат корхоналари ва нефт кимё саноати қурилмаларида сарфланыётган энергия тежаси учун ишлаб чиқариши жараёнларида ишлатилаётгани технологияларни таомиллаштириши ва энергияни тежасии мумкин булган ҳолатлари ёритилган.

Калит сўзлар: энергия, ёқилги, нефт, маҳсулот, хомашё, эквивалент.

Хозирги даврда саноатнинг ҳар хил йўналишларида энергия ва ресурсларни тежаш энг долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда энергия ресурсларини ишлаб чиқаришда жуда кўп ёқилги (ёнилги) ишлатилади. Энергия тежамкорлиги ҳақида гап кетганда, асосан тикланмайдиган табиий бойликлар кўзда тутилади. Ёқилги (ёнилги) бўладиган табиий бойликлар, аксар ҳолларда, аҳоли пункитларидан узоқ, оғир иқлимли шароитларда учрайди. Ёнилги энергетика комплексини ривожлантириш саноатга ажратиладиган капитал маблағни 40 % ни, ишлаб чиқариладиган қувурларнинг 70 % ни, машинасозлик маҳсулотларининг катта қисмини талақ килади. Шу сабабларга кўра, ёқилги (ёнилги) ни ва энергияни тежаш ниҳоятда долзарб ва муҳим масала (муаммо). Энергия ресурсларини тежаш учун технологик жараёнларни яхшилаш, эскириб қолган жиҳозларни алмаштириш, иккиласми энерго ресурслардан оқилона фойдаланиш каби тадбирлар кўлланилади. Сўнгги йилларда, нефт кимё саноатида органик маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг самарадорлик даражаси “нефт эквивалент” деб аталган кўрсатгич билан ўлчана бошланди. У маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ҳамма босқичларида энергия сарфларининг жамлангани бўлиб, иссиқлик ҳосил қилиш имконияти маълум микдораги нефт микдорига эквивалент деб қабул қилинди [1].

Солишиштирма энергия сарфини камайтириши мақсадида технологияларни таомиллаштириши. Бу масалани амалга ошириш учун тадқиқотчилар, лойиҳачилар ва экспулатациячилар кучини бирлаштириш керак. Нефтни қайта ишлаш ва нефт кимё корхоналарида энергия тежами масалалари тадқиқот даврида ёқ қўйилиб, тажриба конструкторлик ва лойиҳалаш босқичида давом эттирилиши керак [6].

Самарадорлик катализаторларидан фойдаланиши. Хозирги вақтда нефтни қайта ишлаш ва нефт кимё соҳаларидаги саноат жараёнларининг тахминан 85 % катализаторлар иштироқида кечади. Катализаторнинг активлиги, танлаш селективлик ва барқарорлик хусусиятлари солишиштирма энергия сарфини камайтиради. Масалан, каталитик риформинг жараёндаги катализаторнинг танлаш хусусиятини 1% га оширилса, энергия сарфи қўшимча таързда 1,8 % га камаяди, активлиги шунча оширилса, энергия сарфи қўшимча 2,9 % га камаяди [2].

Тайёр маҳсулотни ажратиб олишида янада самарали физик кимёвий жараёнлардан фойдаланиши. Нефтни қайта ишлаш ва нефт кимё жараёнларининг аксарида, тайёр маҳсулотни ажратиб олиш босқичи, умумий энергия сарфининг 30-50 % ни ташкил этади. Айниқса ректификация жараённада кўп энергия истеъмол қилинади. Бу жараённи оптималлаштириш кўп энергия тежаб қолиш имконини беради [5]. Ажратиш даражаси ошгани сайин хомашё ва пировард маҳсулотлар нархидаги фарқ катталашиб боради. Айни

Interdisciplinary Conference of Young Scholars in Social Sciences

вақтда энергия сарфи ҳам кўпаяди. Махсулотлар ва энергоресурслар нархи дифференциаллари фарқининг хомашё нархига нисбати қайсиdir бир ҳолатда махсумум қийматга эга бўлади, ана шу ҳолат оптимал ҳисобланади.

Энергоресурсларини тежашнинг яна бир йўналиши ректификациянинг кўп энергия талаб этадиган жараёнларини экстракция, кам энергия ишлатадиган жараёнларга алмаштиришdir.

Ўрнатиш ва ишлаб чиқаришининг комбинатияланган жараёнларини қўллаи. Жараёнларни кўшиб бажарганда реакция маҳсулотларининг оралиқда ажралишига сарфлар камаяди ва ишлаб чиқариш концентрацияси ортади. Масалан, реакция кетаётган битта ҳажмда, бир вақтнинг ўзида оксосинтез йўли билан альдегидлар олинади ва гидратланади. Шунда бу жараёнларни алоҳида алоҳида бажаргандаги ҳолатга нисбатан электр энергияси 2 марта, иссиқлик энергияси 30 % ва совутадиган сув сарфи 40 % кам сарфланади. Жараёнларни бирлаштиришнинг яна битта муҳим натижаси хомашёни қайта ишлаш босқичлари сони қисқариши ҳисобланади. Масалан, бутанинн бутадиенгабир босқичли сувсизлантиришга ўтиш, икки босқичли жараённи амалга ошириш учун зарур бўлган энергиянинг камиди 22 % ни тежайди.

Ускуналарнинг янада замонавий турларидан фойдаланиши. Иссиқлик узатиш, иситиш, совутиш, реакцияга киришадиган оқимларни ва олинадиган маҳсулотларни ташиш жараёнларини бажарадиган ускуналарнинг имкониятлари ҳам энергия сарфига таъсир кўрсатади. Кимё аппаратларини ҳисоблаш методикаси, қувват заҳирасини ўлчамларни, массалар ва габарит ўлчамларни зарурий даражага кайайтириш энергия тежами учун кўшимча резерв бўлади [3].

Энергия истеъмолини камайтириши, яъни ускуналарни ишлатиш шароитларини такомиллаштириш. Турли сабабларга кўра (хомашё тақчиллиги, маҳсулотни жўннатишдаги қийинчиликлар, ишлаб чиқариш участкаларининг қувватлари бир бирига мутаносиб эмаслиги ва б.) ускуналар максимал имкони билан ишламайди, энергия сарфи эса бирдек кетаверади. Шунинг учун ускуна сустрок ишлайдиган ҳолатларда энергия сарфи ҳам шунга яраша пасайишини таъминлаш лозим. Энергия тежамкор технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш тежамкорликнинг энг яхши усулидир. Нефтни қайта ишлаш, нефт кимё заводларида ускуналарнинг фойдали иш коэффициентини ошириш йўли билан ҳал қилиш мумкин [4].

Хулоса қилиб айтганда энергия сарфини камайтириши мақсадида нефтни қайта ишлаш ва кимё саноати корхоналарида энергия тежамкорлигини амалга ошириш учун тажириба, лойиҳалаш ва тадқиқот ишлари олиб бориш керар эканлигини зарур деб айтсан бўлади.

Адабиётлар рўйхати.

1. Саркисов П.Д. Проблемы энерго-и ресурсосбережения в химической технологии, нефтехимии и биотехнологии / П.Д. Саркисов // Химическая промышленность. –2008. – №11. –С. 14-17.
2. Назмеев Ю.Г. Организация энерготехнологических комплексов в нефтехимической промышленности / Ю.Г. Назмеев, И.А.Конахина. –М.: МЭИ, 2001.
3. Фарахов М.И. Лаптев А.Г. Минеев Н.Г. Энергосберегающие модернизации установок на предприятиях нефтегазохимического комплекса / Химическая техника, 2008. –№ 11. –С. 61-64.
4. Качегин А.Ф. Энергосбережение и автоматизация в ОАО «Волжский оргсинтез» / А.Ф. Качегин // Химия и рынок, 2000. –№1. –С.49-50.
5. <https://sushiandbox.ru/uz/osvaivaem-pk/chto-takoe-cifrovye-dvoinikikak-budet-vyglyadet-vash-cifrovoi-dvoinik.html>.
6. <https://vism.ru/uz/cifrovoi-dvoinik-apparat-zhurnal-o-novomobshchestve-kto-takie-cifrovye-bliznecy.html>.